КПСС XXII СЪЕЗДИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИ

# КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ, ОЛҒА!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 207 (2240). | 17 октябрь, чоршанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.







## ПАРТИЯМИЗ XXII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛГА ОШМОҚДА

Бутун мамлакатимиз, партиямиз, халқаро коммунистик ҳаракат тарихида муҳим воқеа бўлган КПСС XXII съезди очилган кунга бир йил тўлди. Съезд бўлиб ўтган даврдан бери ўтган давр жуда қисқа бўлишига қарамасдан, бу вақт ичида амалга оширилган тадбирлар, эришилган муваффақиятлар бир неча йилларга тенгдир.

Тарих, тажриба, Совет мамлакатида муваффақиятли амалга оширилаётган коммунизм қурилиши ютуқлари партия XXII съезди ишлаб чиққан назарий қоидалар, амалий тадбирлар бирдан-бир тўғри, ҳаёт билан боғланган, реал тадбирлар эканлигини исботлади. Партиямиз XXII съезди томонидан қабул қилинган замонамиз қомуси — коммунизм қурилишининг янги Программаси олға томон боришц йўлимизни йўлчи юлдуздек равшан ёритиб турибди. Бу Программа улуғ Советлар Иттифоқида коммунизм қурилишини фалсафий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан асослаб берди. Янги Программа — амалдаги марксизм-ленинизм, назария билан практиканинг ажойиб мужассамидир. Янги Программада илгари сурилган социалистик экономикадан коммунистик экономикага ўтиш, коммунистик ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ҳамда янги кишининг шаклланиши ва бошқа назарий ва амалий масалалар мамлакатимизда коммунизм қурилиши процессида бирдан-бир тўғри, ҳаётий масалалар эканлигини яққол исботламоқда.

КПСС тарихий XXII съезди, совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизмда яшайди, деб тантанали равишда эълон қилди. Ҳа, биз совет кишилари коммунизм авлодларимиз. Биз тарихда биринчи бўлиб инсониятнинг эзгу орзуларини рўёбга чиқармоқдамиз, коммунистик қурилиш йўлидан дадил олға бормоқдамиз. Халқимизни коммунизм сари дадил қадамлар билан олға боришини тўхтата оладиган куч дунёда йўқ. Чунки коммунизм бизнинг қон-қонимизга, қалбимизга, ҳаётимизга сингиб кетган юксак ғоядир. Чунки коммунизм инсониятга ҳақиқий Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодат бахш этади.

Улуғ Советлар Ватани — коммунизм ўлкасидир. Инсон-инсонга дўст, қардош, ўртоқ бўлган, юксак коммунистик идеаллар ҳукмрон бўлган бизнинг мамлакатимизда ҳар бир меҳнаткаш жамиятнинг ҳақиқий хўжайинидир. Совет жамиятининг моддий бойликларини яратаётган, унга хўжайинлик қилаётган ҳам халқнинг ўзидир.

Коммунистик партия бизнинг раҳнамомиз, йўлбошчимиздир. Партиямизнинг монолит бирлиги, жипслиги, партиясизлар оммаси билан мустаҳкам алоқаси барча ғалабаларимизнинг гаровидир. КПСС XXII съездидан бери ўтган давр ичида партия сафларининг бирлиги янада мустаҳкамланди. Партия раҳбарлигининг ленинча-принциплари зўр куч билан ўзини кўрсатди. Партия ҳаётининг ленинча нормалари ва раҳбарлик принциплари янада ривожланди. Партиянинг ташкилотчилик иши, кадрларни тарбиялаш, кенг омманинг ижтимоий ишларда актив қатнашиши — ғалабаларимизнинг асосий гарови бўлди. Партиявий раҳбарлик структурасидаги ўзгаришлар, территориал ишлаб чиқариш бошқармаларининг ташкил этилиши ўзининг дастлабки самараларини бермоқда. Областимиз партия ташкилоти территориал бошқармалардаги партия ташкилотчилар сафини энг яхши кадрлар билан мустаҳкамлашга катта эътибор берди ва бермоқда.

Партиянинг идеология соҳасидаги ишлари янада жонланди. Идеология иши ҳаёт билан, коммунистик қурилиш практикаси билан маҳкам боғлаб олиб борилмоқда. Партия ташкилотлари КПСС XXII съезди қарорлари асосида идеология ишининг янги-янги формаларини қидириб топмоқдалар ва амалда тадбиқ этмоқдалар.

Совет мамлакати коммунизм сари бормоқда. Қаҳрамон халқимизнинг коммунизм қуриш йўлидаги курашига замонамиз ақли, шон-шарафи, шуҳрати ва виждони бўлган Коммунистик партия раҳбарлик қилмоқда. Совет мамлакатининг мисоли, Коммунистлар партияси амалга ошираётган улуғвор ишлар бутун прогрессив инсониятни илҳомлантирмоқда. Чунки биз жаҳонда биринчи бўлиб инсониятга озодлик йўлини кўрсатдик, биринчи бўлиб социализмнинг узил-кесил ғалабасига эришдик, биринчи бўлиб коммунизм сари боряпмиз. Биз жаҳонда биринчи бўлиб космос сирларини очдик, фазога биринчи бўлиб парвоз қилган, киши — совет кишиси Юрий Гагарин бўлди. Совет мамлакати саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ моддий ва маданий фаровонлигини кўтариш соҳасида улкан қадамлар билан олға бормоқда. Биз мамлакатга тобора кўп металл, кўмир, газ, пўлат, нефть, кийим-кечак, дон, пахта, гўшт, сут, ёғ ва бошқа саноат, қишлоқ хўжалик, чорва маҳсулотлари етказиб бериш, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш йўлида курашиб, тинч иқтисодий мусобақада энг тараққий этган капиталистик мамлакатлардан дадил ўтиб кетяпмиз. Бу улуғ Ленин ғояларининг, тарихий XXII съезд белгилаб берган ғояларнинг ажойиб тантанасидир. Ўртоқ Н. С. Хрушчев партиямиз XXII съездида айтганидек: «Коммунистларнинг, марксчи-ленинчиларнинг буюк армияси тинчлик ва социал прогресс учун, порлоқ келажак учун — коммунизм учун курашда халқларнинг авангарди бўлиб майдонга чиқмоқдалар».

Партиямизнинг тарихий XXII съезди ўтган йили Улуғ Октябрь байрами арафасида бошланган эди. Съездда партиямиз янги Пограммасининг қабул қилинганлиги, муваффақият билан амалга оширилаётганлиги коммунизм ғояларининг, Улуғ Октябрь бошлаб берган ишнинг, марксизм-ленинизм таълимотининг ажойиб янги тантанасидир.

Республикамиз, областимиз меҳнаткашлари бу йил ҳам Улуғ Октябрь байрами арафасида партиямиз XXII съездининг бир йиллигини нишонлар эканлар, барча ғалабаларимиз ташкилотчиси улуғ Коммунистик партияга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатларини яна бир бор изҳор қиладилар, бизни коммунизм сари бошлаб бораётган Ленин партиясининг буюк Программасини турмушга оғишмай амалга оширадилар.

## 34 ЦЕНТНЕРДАН

Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 45 йиллиги муносабати билан чиқарган Чақириқларини биз катта меҳнат ғалабаси билан кутиб олдик. Чақириқлар матбуотда эълон қилинган куни бригадамиз пахтакорлари йиллик планни шараф билан бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. **193 гектар еримизнинг ҳар гектаридан ўртача ҳисобда 34 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиб-териб олинди.** Давлат омборига бизнинг бригадамиздан 657 тонна аъло сифатли пахта жўнатилди.



Ўртоқ Анвар ЭГАМНАЗАРОВ.

Бу катта ғалабани қўлга киритишимизда Р. Бердиев ва Р. Айтимбетов ўртоқлар бошчилик қилаётган звеноларнинг пахтакорлари катта ҳисса қўшдилар. Чевар теримчиларимизнинг ғайрат-шижоати йиғим-терим мавсумининг биринчи куниданоқ жўшиб кетди. Ўртоқ М. Мавлонова шу кунга қадар 12 минг 500 килограмм «оқ олтин» териб эл хирмонига тўкди. У. Жалолова, Н. Тастанова, Т. Усмонова ва С. Бейсебоева ўртоқларнинг ҳар бири терган пахта эса 7,5—8 тоннадан ошиб кетди.

Гарчи планни бажарган бўлсак ҳам ҳали далаларимиздаги ҳосил мўл. **ПАХТАКОРЛАРИМИЗ ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚИБ УЛУҒ АЙЁМ КУНИ—7 НОЯБРГА ҚАДАР ҲАР ГЕКТАР ЕРДАН ЯНА 16 ЦЕНТНЕРДАН ПАХТА ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШГА ҚАТЪИЙ ҚАРОР ҚИЛДИЛАР.** Шунга эришсак бу йилги ҳосилдорлигимиз 50 центнер бўлади!

**Анвар ЭГАМНАЗАРОВ,**
**Орджоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.**

## УНУТИЛМАС ТААССУРОТ

**Инсониятга Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодат бахш этадиган энг олий жамият — коммунизм қуриш Программасини қабул қилган тарихий съезд иш бошлаган кундан бери роппа-роса бир йил ўтди. Съездда делегат сифатида қатнашганлигим учун ҳамиша ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Бу съезддан шунчалик кўп унутилмас таассуротлар билан қайтганманки, уларни айтиб беришга бисотимдаги сўзлар етишмайди. Энг муҳими съезднинг бутун дунёга қарата «Совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизм даврида яшайди!» деб қилган хитоби ҳамон қулоқларимда жаранглаб турибди. Шу жамият қурилишини тезлаштириш учун меҳнатим билан иштирок этаётганлигим боисидан ўзимни янада бахтиёр деб биламан.**

М. МИРОБИДОВ,
«Узбексельмаш» заводи токари, КПСС XXII съезди делегати.

## БУЮК НАТИЖАЛАР

**Саноат ходимлари КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини бажариш учун астойдил кураш олиб бориб, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш соҳасида 1962 йил III квартали ва тўққиз ойи планини ошириб бажардилар. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси бу ҳақда ахборот эълон қилди.**

### СОВЕТ ИНДУСТРИЯСИ 1962 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИ ИЧИДА СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Тўққиз ой мобайнида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тўққиз ярим процент кўпайди. Туркманистон ССР дан ташқари иттифоқчи республикаларнинг ҳаммаси ялпи маҳсулот ва саноат маҳсулотининг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш соҳасида тўққиз ойлик планни ошириб бажардилар. Туркманистон ССР тўққиз ойлик планни бирмунча кам бажарди. Айни маҳалда Туркманистон ССР, Озарбайжон ССР ва Қирғизистон ССР учинчи квартал планини тўла бажармадилар.

Бир қанча халқ хўжалиги кенгашлари маҳсулотнинг айрим турларининг ишлаб чиқариш планини бажармади, Калининград, Архангельск, Липецк ва Қўрғ ўлка халқ хўжалиги кенгашлари эса умуман ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан тўққиз ойлик планни ҳам тўла бажармади.

Марказий статистика бошқармасининг ахборотида саноат маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш тўғрисидаги рақамлар келтирилади. Тўққиз ой ичида 40,9 миллион тонна чўян, 56,5 миллион тонна пўлат эритилди, 43,8 миллион тонна прокат ишлаб чиқарилди, 95,1 миллион тонна темир руда, 137 миллион тонна нефть, 53,5 миллиард кубометр газ, 387 миллион тонна кўмир чиқарилди, 237 миллиард киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинди, 131 минг дона металл қирқувчи станок, 309 минг дона юк автомобиллари ва автобуслар, 1110 дона магистрал тепловоз, 858 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари: 117 минг дона трактор сеялкаси, 78,3 минг дона трактор косилкаси, 59,3 минг дона дон комбайни, 19,5 минг дона маккажўхори ўрадиган комбайн, 7 минг дона лавлаги йиғиштирадиган комбайн, 34,3 минг дона силос йиғиштирадиган комбайн ишлаб чиқарилди. Бинокорлик материаллари, газламалар, кийим-кечаклар ўтган йилгидан анча кўпроқ ишлаб чиқарилди. Масалан, 3,7 миллиард квадрат метр ип газлама, 350 миллион квадрат метр жун газлама, 576 миллион квадрат метр шойи газлама тўқилди. Фабрикаларнинг конвейерларидан 340 миллион жуфт кўн пойафзал, 7,2 миллиард сўмлик кийим-кечак чиқарилди.

Ҳамма турдаги соатлардан 19,3 миллион дона, радиоприёмник ва радиолалардан 3,1 миллион дона, телевизорлардан 1,6 миллион дона, холодильниклардан 613 минг дона тайёрланди. 2,7 миллион тонна гўшт, 699 миллион тонна сариғ ёғ, 1,3 миллион тонна ўсимлик мойи етиштирилди, 4,5 миллиард банка консерва ишлаб чиқарилди.

Ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўсган бўлса ҳам, чўян ва пўлат эритиш, автомобиль покришкалари, турбиналар, химия ускуналари, тўқув станоклари, тракторлар, иморатбоп ёғоч ва маҳсулотнинг бошқа баъзи бир турларини ишлаб чиқариш соҳасида тўққиз ойлик программа тўла бажарилмади.

Корхоналар янги ускуналар билан қуроллантирилмоқда, ишлаб чиқариш процесслари механизациялаштирилмоқда ва автоматлаштирилмоқда.

Тўққиз ой мобайнида меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш плани тўла бажарилди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6 процент ошди; корхоналарнинг олган фойдаси, дастлабки маълумотларга кўра, 18 процент кўпайди. Бироқ, талай миқдордаги корхоналар ва бир қанча халқ хўжалиги кенгашлари меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархни камайтириш ва жамғарма тўплаш топшириқларини бажармади. (ТАСС).

